

КОНСТРУКТИВИЗМ ПАРАДИГМАСИ: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Гулчехра Гаффарова

Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

gafforovagulchehra3@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Инсониятни, фанни ривожланиши ҳар бир даврга хос бўлган янги категориал аппарати, методология, парадигмалар яратади. Булар эса билишнинг имкониятларини кенгайтиради, мураккаб дунёни сирларини ўрганиш асосида яна янги ёндашувлари яратилади. Бу жараённинг йўналишлари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ушбу мақолада конструктивизм муаммоси фалсафий таҳлил этилади.

Калит сўзлар: билим, билиш, билиш жараёни, фалсафа, конструктивизм, ёндашув, априори, тафаккур, мураккаблик, автопозия, тизим.

THE PARADY OF CONSTRUCTIVISM: PHILOSOPHICAL ANALYSIS

ABSTRACT

Being common of human and science developing makes new categorical apparatus, methodology and paradigms. These extends opportunities of knowing, makes new approaching by learning mysteries of complex world. They are very different. In the article, a problem of constructivism is researched philosophically.

Keywords: knowing, process of knowing, knowledge, philosophy, constructivism, approach, a priori, thought, complexity, autopoiesis, system.

КИРИШ

Билиш жараёни инсониятни доимо қизиқтириб келган. Инсон қандай қилиб дунёни ўрганади, англайди, билиш жараёни қандай рўй беради, билиш жараёнида инсон ва объектив дунёнинг бир-бирига нисбатан тутган ўрни каби масалалар инсонлар, айниқса файласуфлар орасида доимо қизгин баҳсларга сабаб бўлган. Қадимги замонлардан бугунги кунгача турли хил гносеологик концепциялар яратилган. Инсониятни тараққиёти фанни ривожланиши билан узвий боғлиқ.

Ҳар бир ижтимоий ривожланиш даври учун ўзига хос билиш гносеологик назариялар, билиш усуллари, методология, парадигмалар билан ажралиб туради. Инсониятни, фанни ривожланиши ҳар бир даврга хос бўлган янги

категориал апараты, методология, парадигмалар яратади. Булар эса билишнинг имкониятларини кенгайтиради, мураккаб дунёни сирларини ўрганиш асосида яна янги ёндашувлар яратилади. Бу жараённинг йўналишлари хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Замонавий эпистемологияда кенг тарқалган конструктивизм, постнеклассик фанининг ёндашуви ҳақида кўп мақолалар, монографиялар чоп этилган. Ушбу парадигмани асосларини яратишда Вико, Беркли, Кант каби донишмандларнинг хизматларини кўрсатиш мумкин. XX асрнинг иккинчи ярмида конструктив парадигмалар табиий фанларда ҳам гуманитар фанларда ҳам илмий назарияларнинг муҳим қисмига айланди. Айниқса, конструктивизм тушунчаси математика, мантиқ, фалсафа, фан ва санъатда кенг фойдаланилади.

Конструктивизм тушунчасини 1950 йилларда биринчи бўлиб билиш назариясида Ж.Пиаже ва Дж.Келли ишларида муҳокама этилган. Аммо тушунча мақомини ҳамда эпистемологик аниқлашни билдирадиган нуқтаи-назарда 1981 йил П.Ватцлавикнинг “Фаолият яратувчан” (Изобретенная деятельности) мақоласида кейин олди.

Бугунги кунда конструктивизм тушунчаси фалсафа ва фанда кенг ишлатилмоқда. Хусусан, И.Линсолън, И.Губа, Э.фон Глазерфилд, Ж.Пиаже, Дж.Келли, Дж.Бруанер, П.Бергер, К.Лукман, Дж.Джердмен, В.Бирр, В.Петренко, Ж.Роскин, К.Герген, А.Улановский, Е.Князева ва бошқалар асарлари ва тадқиқотларида ижтимоий конструктивизм, радикал конструктивизм, психологияда конструктивизм ҳамда янги кўринишдаги парадигма сифатида ишлатилган.

Ўзбекистонда эса профессор М.Н.Абдуллаева, Г.Ғ.Ғаффарова фалсафада конструктивизм муаммосини таҳлил этишган.

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли ва синергетик методлардан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

XX аср бошларида конструктив ғоялар илмий билимнинг турли йўналишларида пайдо бўла бошлади, хусусан, лингвистикада (Ф. Де Соссюр), биосемиотика (Я. Фон Икскуль), операциялизм (У.П.Бриджмен). Шу билан бирга XX асрнинг иккинчи ярмида конструктив парадигмалар табиий фанларда ҳам гуманитар фанларда ҳам илмий назарияларнинг муҳим қисмига айланди.

Ушбу парадигма турли фанлар асосида ривожлантирилган: генетик психология, болани ривожлантириш психологияси – Жан Пиаже, тизимли назария ва кибернетика – Ханц фон Фёрстер, антропология – Григори Бейтсон, психологии восприятия – Ульриком Найссер, психотерапия – Паул Воцловик, когнитив психология – Эрнст фон Глазерсфелд, микробиология ва когнитив фанлар – Умберто Матурана ва Франсиско Варела [3]. Ижтимоий фанларда (социология, политология, ижтимоий фалсафа) онгнинг конструктив курилмалари мавжуд. Н.Луман, Ф.Гваттари ижтимоий ҳаётни ҳам мураккаб тизимлар ва автопоэзис назариялари асосида тадқиқ қила бошладилар [6].

Л.Штефф, Дж.Гейл конструктивизм парадигмасининг камида олтитасини: ижтимоий конструктивизм, радикал конструктивизм, ижтимоий конструктивизм, ахборотни қайта ишлаш соҳасидаги конструктивизм, кибернетик конструктивизм ёки конструктив тизим, ижтимоий-маданий конструктивизмни санаб ўтадилар [12].

М.Даужиямас эса конструктивизмни бир қанча типологиясини ишлаб чиқди, жумладан, аҳамиятсиз ёки индивидуал, радикал, ижтимоий, маданий ва танқидий конструктивизм [11].

МУҲОКАМА

Маълумки, билимга инсон қандай эришади деган саволга жавобан фалсафада турли йўналишлар шаклланган. Масалан, Аристотелни фикрига кўра, инсон тажриба орқали билимга эга бўлади, ташқи дунёда мавжуд бўлган нарсалар, ҳодисалар инсонни сезгиларига таъсир қилиниши таъкидланади. Платоннинг ёндашуви бошқача. Унинг ёндашувига кўра: инсон «ғоялар» дунёсида кўрганини «эслаш» қобилиятига эга. Инсон туғилганида ҳақиқий билимларга эга, ҳаёти давомида фақат ташқи таъсирлар натижасида уларни «эслаш» ва улардан фойдаланиши мумкин.

Дарҳақиқат, Платон, Декарт ва кейинчалик бошқа файласуфлар таълимотларида ушбу қобилият инсонни ўзида мавжуд, ана шу асосида инсон дунёни ўрганади, англайди деган ёндашув мавжуд бўлган.

Кант таълимотида эса бизнинг онгимизда «азалдан», яъни ҳар қандай тажрибагача априори билим мавжуд. Улар инсонни ҳар қандай тажриба ўтказиш учун имкон беради ва тажрибани шакллари белгилайди. «Ҳар қандай билиш нарсаларни билиш билан эмас балки бизнинг билишимизнинг шакллари ўрганганлиги сабабли ушбу билиш аргiori бўлиши шарт» [1].

Кант таълимотида бизнинг онгимизда «соф ақл тушунчалари *a priori* мавжуддир», яъни унда олдиндан билишнинг априор шакллари мавжуд, улар унинг билимига зарурийлик ва умумийлик хусусиятини берадилар. «Кантнинг буюк ва фундаментал кашфиёти: инсонлар тафаккури ва идроки ҳар қандай индивидуал тажрибагача муайян функционал структурага эга»[5]. Кантнинг априори тушунчаси инсон тафаккурининг фаоллиги ички манбаа билан боғлиқлигини англатади, яъни тафаккур фаолиятининг асоси инсоннинг ўзидадир.

Конструктивизм атамаси XX асрнинг 70-йиллари охирида фаол ишлатила бошланди ва гуманитар фанлар учун назарий ва методологик қурилмани белгилайди, илмий жамоа фаолияти ва илмий коммуникация тармоғида илмий билимларни ишлаб чиқиш, ижтимоий қадриятни ўрнини таъкидлайди ҳамда ушбу маданиятлар олам манзарасини қуришда билиш учун асос бўлади.

Дарҳақиқат, “конструктивизм – образ, тушунча ва фикрлашни яратиш (конструкциялаш) махсус рефлексив жараёнларда қўлланилади ва субъектни фаол билишига асосланадиган фалсафа фани ва эпистемологиядаги йўналиш. Фалсафа доирасида конструктивизм ўзида шундай ёндашувни оладики, унга кўра барча билиш фаолияти конструкцияланган ҳисобланади” [2, 5].

Шу сабабли ҳам билиш назариясида конструктивизм – бу шундай ёндашувки, унда инсон тафаккури ва билиш жараёнида оламни ўзида акс эттирмайди ёки ўраб турган оламни ўзида қайта яратади, балки фаол равишда тиклайди (яратади), уни конструкциялайди [9, 140].

Шу билан бирга Е.Н.Князева энактивизмни эпистемологияда конструктивизмнинг янги шакли сифатида қарайди. Яъни, унинг фикрича «эпистемологияда конструктивизм – бу шундай ёндашувки, унда инсон ўзининг тафаккури ва идрок жараёнида ўраб турган оламни (дунёни) нафақат акс эттиради, балки фаол яратади, уни қуради» [3]. Дарҳақиқат, конструктивизмнинг асосий ғояси бизни ўраб турган дунёни тафаккур ва идрок этиш жараёнларида акс этишдан кўра уни конструкциялаштиришимиз фаол яратади.

Конструктив ёндашув ҳақидаги тезислар ичида Е.Н.Князева бир мунча аниқроқ кўрсатади, яъни унда 1) билим оламни акс этмайди; 2) инсонлар конструкцияни яратади; 3) билим ҳақиқат эмас, балки яшовчандир (жизнеспособны); 4) мия – ёпиқ тизимдир; 5) биронта ҳам билим ўзича ягона бўлолмайди [4].

Мураккаб тизимларни тадқиқи билиш назариясига янги ёндашувлар, тушунчалар шаклланишига олиб келди. Классик фан асосида объектив дунёда аниқлик, муҳаррирлик, детерминизм каби хоссалар мавжудлиги эътироф этилди, тасодиф, ноаниқлик каби ҳолатларни эса субъектнинг хатоси деб қабул қилинган. Классик термодинамика, квант физикаси, биология, мураккаб тизимлар назарияси (синергетика) тасодиф, ноаниқлик, индетерминизм, эҳтимол тушунчаларни объективлигини ва дунёда содир бўлаётган жараёнларга таъсир қилишларини исботлаб берди.

Мураккаблик ҳодисасини тадқиқ қилиш тизимнинг нафақат тартибга солинган, барқарор жиҳатларини билиш, балки унинг турғун бўлмаган ҳолатларини ва ўзини-ўзи ташкил қилиш воситасида сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишини ўрганишни кўзда тутди. Бу тизимга тартибга солинганлик билан бир қаторда нозизиқлик ва тартибсизлик ҳам хос эканлиги билан боғлиқ. Замонавий фанда мураккаблик назарияси (complexity science) фанлараро билимлар соҳаси сифатида ривожланмоқда.

Шу билан бирга, автопоэзис концепциясига тўхталадиган бўлсак.

У.Матурана ва Ф.Варела ўз-ўзини қайта бунёд этиш тизимларнинг янги тизимли назарий парадигмани таклиф этдилар. Улар ҳаётнинг пайдо бўлиши, жонли объектнинг жонсиздан фарқи, ҳаёт ва билиш жараёни каби муаммоларни ўрганганлар. У.Матурана ва Ф.Варела янги тизимли назарий концепция ишлаб чиқдилар - ўз-ўзини қайта тикловчи (барпо этиш) тизим парадигмаси. Ўз-ўзини қайта тикловчи тизим, компонентлар ва муносабатлардан ташкил топиб, элементларни ҳамда улар орасидаги боғланишларни фақат ўзларининг ҳаракати билан қайта ишлаб чиқаришга қодирлар, яъни операциялар, тизимнинг ўзига таалуқли (тегишли), уни қуршаб олган дунёга эмас.

Системага таълуқли бўлган барча хусусиятлар тирик (жонли) организмларга ҳам тегишли. Лекин, тирик организмларнинг ташкилланиши жараёни натижасида фақат ўзлигини қайта барпо этадилар, ишлаб чиқарувчи ва маҳсулотга бўлинмайдилар. Тирик организмларни ажралиб турган хусусияти: улар доимо ўз-ўзини тиклайдилар, барпо этадилар. Айнан ушбу ўз-ўзини тиклаш, қайта барпо этиш жараёнини тирик организмларни ташкиллаштирилганлигини биз назарда тутамиз, улар ушбу хусусият билан ажралиб турадилар, автопоэзия ташкилланиши [8, 12] (авто – ўзи, поэзия – яратиш, барпо этиш, автопоэзис ўз-ўзини барпо этиш, яратиш). Автопоэзис пайдо бўлишини ва борлиқни бир-биридан ажратиш бўлмайди ва бу уларга хос бўлган ташкилланиш [8, 14].

Автопoeзис концепцияни муаллифлари У.Матурана ва Ф.Варела билиш жараёнининг «тайёр» ҳолатида эмас, балки дунёни яратилиши ҳаёт жараёнининг асосида шаклланишини эътироф этадилар. «Ҳар қандай фаолият билишдир, ҳар қандай билиш фаолиятдир» [7, 103]. Билишнинг «ҳеч қандай объекти йўқ. Билиш – ўзаро индивидуал ёки кооператив таъсирлар билан боғлиқ вазиятларда ўзини адекват тарзда тутмоқдир» [7, 135].

«Билиш феноменига ташқи дунёда» қандайдир «фактлар ёки объектлар мавжуд ва биз уларни англаймиз ва онгимизда сақлаймиз деб ёндашиш мумкин эмас. Дунё тўғрисида олинган маълумотлар ўзига хос кўринишда (шаклда) инсоннинг структураси билан тасдиқланади, унинг натижасида биз нарса тўғрисида билимга эга бўламиз ва уни тавсифлаш имкониятига эга бўламиз» [8, 6].

У.Матурана ва Ф.Варела концепцияси эволюцион эпистемологияга янгича қарашларни шакллантирди. Шу билан бирга Кантнинг априори ғояси инсон тафаккури ҳар қандай индивидуал тажрибагача муайян функционал структурага эга ўз тасдиғини топди. Концепцияда инсон индивидуал биологик структурага эгаллиги аниқланди.

Конструктивизмнинг моҳиятига келганимизда инсон ташқи дунёни акс этмайди, аммо ундан келган сигналлар асосида ўзигагина хос бўлган ушбу дунёни моделини ижод этади. У.Матурана фикрига мувофиқ [7, 103]: тирик организмлар – бу когнитив тизимлардир, ҳаёт жараёни сифатида билиш жараёнини ўзида (акс этади, ифодалайди) гавдалантиради. Ушбу фикр барча организмларга таълуқли, асаб системасига эга бўлганларга ҳам, бўлмаганларига ҳам.

Когнитив система ташқи таъсирлар, сигналларни қай усулда қабул қиладилар? Яъни жонли система ва уни ўраб олган муҳит (жонли системаларни уларни ўраб олган муҳитнинг қисмидан ажратиб бўлмайди) орасида қандай ўзаро таъсир билиш жараёнини шакллантиради? Концепцияга биноан «жонли организм ва уни ўраб олган муҳит орасида бўлган ўзаро таъсирлар натижасида пайдо бўлган ўзгаришлар таъсир этувчи томонидан бўлсага, таъсирланувчининг структураси аниқлайди» [8, 27]. Яъни, жонли системаларни структураси уни ўраб олган муҳит билан муносабатларни ўзи белгилаш қобилиятига эга.

«Жонли (тирик организм) структураси ва атрофдаги муҳит орасида структуравий конгруэнтлик мавжуд» [8, 27]. Структуравий когерентлик мавжуд бўлмаса жонли организм халок бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса, юқорида айтилган фикрлар конструктивизмнинг баъзи-бир масалаларига оид бўлиб, ҳозирги мураккаб ижтимоий, иқтисодий, глобаллашув даврида ушбу концепцияга асосланиб таълим-тарбия, коммуникация масалаларини ҳам тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки конструктивизм моҳиятига кўра, инсон ташқи дунёни акс эттирмайди, доимо ундан келган сигналлар асосида ўзигагина хос бўлган ушбу дунёни моделини ижод этади. Яъни, инсон тафаккури ва билиш жараёнида оламни ўзида акс эттирмайди балки фаол яратади, конструкциялайди.

REFERENCES

1. Кант И. Введение 7 // Критика чистого разума.
2. Касавин И.Т. Конструктивизм: заявленные программы и нерешенные проблемы // Эпистемология и философия науки, 2008. №1. –с.5.
3. Князева Е. Энактивизм: новая форма конструктивизма в эпистемологии. – М., 2014.
4. Князева Е. Эпистемологический конструктивизм // Философия науки. Вып.12. – М.: ИФ РАН, 2006.
5. Лоренц К. Кантовская концепция *argiōrī* и в свете современной биологии. Эволюция. Язык. Познания. – М., 2001.
6. Луман Н. Социальные системы. – Санк-Петербург, 2007. Истина, знания, наука как система. – М., 2016.
7. Матурана У. Биология познания. Язык и интеллект. – М., 1995. –С.135.
8. Матурана У., Варела Ф. Дерево познание. Биологические корни человеческого понимание / перевод с англ. Ю.А.Данилова. – М.: Прогресс-традиция, 2001. – С.6.
9. Сапрыкине Е.В. Конструктивизм и проблема понимания в современном философском знании // Философские науки, -С.140.
10. Сергодеева Е.А. Феноменологическая версия эпистемологического конструктивизма // Вестник Адыгейского государственного университета. Серия “Регионоведение: философия, история, социология, юриспруденция, политология, культурология”. 2010. №4.
11. Dougiamas M. A Journey into Constructivism / M.Dougiamas. – Mode of access: <https://dougiamas.com/archives/a-journey-into-constructivism>

12. Steff L. Constructivism in education / L.Steffe, J.Gale (ed). – Hillsdale, NJ: Lawrence Erlbaum Associates, 1995. –р.ХIII.
13. Гаффарова Г.Ф., Абдуллаева М.Н. (2018). Фалсафада конструктивизм муаммоси. Имом Бухорий сабоқлари. №3, -Б.96-98.
14. Gaffarova, G.G. (2019), Problems self-organization: philosophical analysis // Scientific Bulletin of Namangan State University. -Т.1. -№5, - С. 185-190.
15. Gaffarova G.G., Abdullayeva M.N. (2020). Tasavvufning kognitiv tizimi zamonaviy falsafa prizmasida. Academic research in educational sciences. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n7tasavvufning-kognitiv-tizimi-zamonaviy-falsafa-prizmasida> (дата обращения: 15.01.2021).
16. Gaffarova, G.G. (2019). Structural transformations as a faktor new development opportunities. Scientific Bulletin of Namangan State University, Т.1, №10, pp.261-267.
17. Abdullaeva, M.N., & Gaffarova, G.G. (2020). Muhabbat muammosi zamonaviy falsafa prizmasida. Ilmiy xabarlari. Ijtimoiy-gumanitar fanlar seriyasi, 5(49), pp.5-9.
18. Гаффарова Г.Ф., Абдуллаева М.Н. (2018). Конструктив диалог - ҳаракатлар стратегиясида муаммоларни ҳал қилиш йўли сифатида. Андижон давлат университети илмий ахборотномаси. 4-сон, -Б.48-51.
19. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
20. Gaffarova, G. G., & Abdullaeva, M. N. (2021). Cognitive system of sufism. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (94), 38-42.